



**“JAS AWLADTIN TARBIYASIDA MILLIY SPORT OYINLARININ AHMIYATI:  
MASHQALA HAM SHESHIMLARI”**

**“YOSH AVLODNI TARBIYASIDA MILLIY SPORT O‘YINLARINING AHAMIYATI:  
MUAMMO VA YECHIMLARI”**

**РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ СПОРТИВНЫХ ИГР В ВОСПИТАНИИ  
МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ: ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ**



**atamasindagi respublikaliq  
ilimiy-ámeliy konferenciya**

**MATERIALLARI**

**Nókis 2024**

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ SPORT MINISTRILIGI**

**ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARÍ BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM  
INNOVACIYALAR MINISTRILIGI**

**ÓZBEKSTAN MÁMLEKETLIK DENE TÁRBIYASÍ HÁM SPORT  
UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ  
“DENE TÁRBIYASÍ TEORIYASÍ HÁM GUMANITAR PÁNLER”  
KAFEDRASÍ**

**“JAS AWLADTÍN TÁRBIYASÍDA MILLIY SPORT OYÍNLARÍNÍN  
ÁHMIYETI: MASHQALA HÁM SHESHIMLERI”  
RESPUBLIKALÍQ ILIMIY-ÁMELIY KONFERENCIYASÍ  
2024 jil, 5-6 noyabr**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SPORT VAZIRLIGI**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT  
UNIVERSITETI NUKUS FILIALI  
“JISMONIY TARBIYA NAZARIYASI VA GUMANITAR FANLAR”  
KAFEDRASI**

**“YOSH AVLODNI TARBIYASIDA MILLIY SPORT O‘YINLARINING  
AHAMIYATI: MUAMMO VA YECHIMLARI”  
RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENTSIYASI  
2024 yil, 5-6 noyabr**

**МИНИСТЕРСТВО СПОРТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И  
ИННОВАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**КАФЕДРА «ТЕОРИЯ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И  
ГУМАНИТАРНЫЕ ДИСЦИПЛИНЫ»  
НУКУССКОГО ФИЛИАЛА УЗБЕКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УНИВЕРСИТЕТА ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА**

**РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ  
«РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ СПОРТИВНЫХ ИГР В ВОСПИТАНИИ  
МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ: ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЯ»  
5-6 ноябрь , 2024 года**



## FOYDALANILGAN MANBALAR

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni. 2020 yil 23 sentyabr O'RBQ - 637-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 30-oktyabrda "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6099-sonli Farmoni.
3. Tolametov A.A., & Yusupkhanova F.A. (2021). The difficult problem of growing athletes among women living in rural areas and border territories of the republic of uzbekistan. current research journal of pedagogics, 2(09), 136–141. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-02-09-30>
4. Boltaev Sh.E. Organizing a training process for young volleyball players on the basis of innovative approaches. TEACHER AND CONTINUOUS EDUCATION Nukus 2022.-87 p

### КЛАСТЕР ТАЪЛИМГА АСОСАН ВОЛЕЙБОЛ СПОРТ ТУРИНИ ЎҚИТИШ АКМЕОЛОГИЯСИНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ.

*А.Р. Жумаев*

*ЧДПУ, катта ўқитувчиси,*

*Д. Мурадуллаев*

*ЧДПУ, 1-курс талабаси*

#### Аннотация

Мазкур мақолада кластер таълимга асосан волейбол спорт турини ўқитиш акмеологиясининг методик асослари мазмун моҳияти ва ривожлантириш бўйича кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

#### Annotation

This article provides guidelines and recommendations for the development and content of the methodological basis of the acmeology of teaching volleyball based on cluster education.

Бугунги кунда педагогик таълим инновацион кластери ва акмеологиянинг спорт соҳасида амалиётга тадбиқ қилиниши замонавий механизм ҳисобланади. Кластер ёндашуви аниқ ҳудуд кесимидаги муайян соҳанинг ўзига хослигини кўриб чиқиш ва тавсифлаш имконини беради. Акмеологик ёндашув эса унинг энг юқори даражага чиқиш йўллари асослаш билан характерланади. Ривожланган жаҳон мамлакатлари каби бизни таълим ва спорт ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. "Давлат-таълим-талаба-ота-она" халқларини бирлаштириб, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим, профессионал таълим, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларини бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик таълими назарияси ва амалиётининг акмеологик асосларини ўрганиш муаммосини тадқиқот объекти қилиб белгилашга тўртки бўлди.

Кластер сўзи "Боғлам", "Тўплам", "Гуруҳ" маъноларини англатади. [4:5]

Волейбол спорт турини кластер усулда ўргатишнинг яна бир афзаллик тарафи шундаки, бошқа спорт турларига боғлаб ўргатиш кўпроқ самара беради. Масалан стол тенниси ракеткаси ва шаригидан тўпни қабул қилиш ва узатишни ўргатишда фойдаланиш мумкин. Бунда ракетка қўлларга боғланади ва шарикни юқорига узатиш ва қабул қилиш жараёни амалга оширилади.



Педагогик таълим инновацион кластер тизими айнан таълимда таянч компетенцияларни шакллантириш асносида замон талабидаги компонент кадрларни тайёрлашни кўзда тутлади.

Ушбу стол тенниси элементлари оркали волейболга ўргатиш ўз-ўзидан волейболда тўпни қабул қилиш ва узатишга шартли рефлекс ҳосил қилади.

Ўқитувчиларда таянч ва фанга оид компетенциялар таълим жараёнида шаклланади. Таълим-тарбия жараёнининг самарали ташкил этилиши ҳамда сифати эса, педагог ходимларнинг меҳнат фаолияти давомидаги маъсулият ва мажбуриятларни қай даражада бажаришимизга боғлиқ.

Ҳозирги кунда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда уларни жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий-ҳаётий нуқтаи-назарига эга, ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш белгилаб қўйилган. Маълумки, спорт иқтидори ташҳиси ҳали ўз такомиллашувидан жуда узоқдадир. Айни вақтда, спорт курашларида рақобатнинг ошиб бориш тенденцияларини тавсифловчи, спортни ривожлантириш замонвий босқичлари, илм-фан олдига келгусида спортчиларни танлаш ва уларнинг тайёргарлигини баҳолаш услубиятлари самарадорлигини ошириш зарурияти тўғрисидаги саволларни кескин қўймоқда.

Замонавий талаблар даражасидаги юқори спорт натижаларига эришиш ва шуғулланиш истагидаги ҳар бир бола учун фаолиятида мақсадга интилиш, меҳнатсеварлик, қатъият ва матонатни мунтазам тарбиялаш билан уйғунлашиб, юқори натижаларга эришишга жисмоний тарбия дарсларида сифатли билим, кўникма ва малакаларни пухта эгаллашига боғлиқдир.

Истеъдодли ёш спорт захираларини тайёрлаш масаласида кичик ёки катта муаммо тушунчалари бўлмаслиги даркор. Кўзга кўринмайдиган энг кичик муаммолар ҳам секин-аста йиғилиб, катта муаммога мубтало қилади. Шунинг учун авваламбор дарс машғулотида шуғулланувчиларни жисмоний ва функционал жиҳатдан ҳар томонлама меъёрланган машғулотлар асосида ўтилмоғи лозим. Фақат етарли энергетик захирага эга жисмоний ва функционал потенциал спорт маҳоратини енгиллик билан ўзлаштириш имкониятларини яратади.

Визуал кузатувлар ва ҳолисона суҳбатлар шундан дарак берадики, бир хил турдаги катта ҳажмли ва ўта шиддатли машқларни шуғулланувчилар ёши, жинси ва имкониятларига қарамай зўрма-зўраки қўллавериш охир-оқибат психофункционал органларга салбий таъсир кўрсатади, натижада чуқур толиқиш, зўриқиш ҳолатлари юзага келади. [7:31] Болаларда спортга бўлган мотивация, кизиқиш сўна бошлайди, шу сабаб бундай болалар спортни тарк этиши мумкин. Ушбу масаланинг яна бир муҳим жойи шундаки, агар дастлабки ўргатиш жараёнида жисмоний ва техник-тактик машқларнинг ўзаро узвийлиги таъминланмаса, саломатлик ҳам, қадди-қомат ҳам, маҳорат ҳам гармоник тартибда шаклланмайди.

Ҳар бир ўтилган жисмоний тарбия дарсларида олинган ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари кейинги давр учун замин яратади. Асосан волейболчиларда жисмоний кўрсаткичларни ривожлантириш спорт турларига қамраб олиниши мамлакатимизда ўтказилаётган волейбол мусобақаларининг рақобатбардошлигининг кескин даражада ўсишига олиб келди.

Дарс машғулотида кластер ёндашув асосида волейболчиларда жисмоний кўрсаткичларни ривожлантириш, волейбол спорт турини самарали ўргатиш учун ҳаракатли ўйинларга боғлаган ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

- ҳаракатли о'йинлар ичидан волейбол спорт турига яқин ва мос бўлган о'йинлар тизимини шакллантириш ҳамда волейбол хусусиятларига мослаштириш;
- ёрдамчи ва махсус машқлар оркали ўқувчиларнинг жисмоний ривожланганликлари ва техник-тактик тайёргарликлари даражасига таъсирини аниқлаш;
- ўқувчиларни жисмоний тарбия дарсларида волейбол спорт турига йўналтиришда ҳаракатли ўйинларни ёш хусусиятларига мослаштириш ва самарадорлигини ўрганиш;
- дарс жараёнида ўқувчиларни кластер тизимидан фойдаланган ҳолда бошқа спорт турлари билан боғлаб волейбол машғулотига мойиллиги, чидамлилиги, фикрлаш доираси ва кизиқишини ошириш.



Ностандарт машқлардан фойдаланишда бошқа спорт турларига боғлаб (Кластер) ўргатиш ўз самарасини беради. Айнан талаба ёки ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришга, ҳаракатланиш ҳаракатлари турларини кенгайтиришга, энг асосийси волейбол спорт тури учун муҳим бўлган тактик ҳаракатларга қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи психофизик жараёнлари ва функцияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга ёрдам берадиган ҳаракатли ўйинларни танлаб олиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Чунки энг яхши натижаларга фақатгина дастлабки ўргатиш даврида аниқ вазифаларини ва шуғулланувчиларнинг индивидуал-гуруҳли хусусиятларини ҳисобга олиб ҳаракатли ўйинларнинг ўқитиш, тарбиялаш ва машқлар бошқа воситалари билан мослигида эришиш мумкин. Шунинг учун жисмоний сифатларини яхшилашга ва волейбол ўйини кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатли ўйинларни илмий асосда танлаб олиш зарур. Волейболдаги асосий ҳаракатланиш бу: юриш, югуриш, ёнга кадам ташлаб югуриш, орқа билан кадам ташлаб тўхташ ва сакрашлардан иборатдир.

Таълим жараёнидаги муваффақиятлар бевосита ўқитувчи-мураббий билан унинг шогирдлари ўртасидаги ўзаро ҳамжихатлик ва ҳамфирликка боғлиқ. Ўқитувчи-мураббийнинг роли ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материаллари ва ҳаракатларни энг қулай ва содда усуллар воситасида тушунтириш, йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни босиқлик билан бартараф этиш билан белгиланса, шогирдларнинг вазифаси ўз ҳаракатларини таҳлил қилиш, тегишли тузатишлар киритиш қобилиятлари, ўрганиладиган ҳаракатларни қайта-қайта такрорлаш асосида такомилга етказиш фаолияти билан белгиланади.

Волейбол билан шуғулланувчиларни ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсадлардан бири уларни жисмонан қимматли шахслар қилиб тарбиялаш билан бир қаторда умуминсоний ва миллий кадриятлар, одоб-ахлоқ нормалари, аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялашни ҳам назарда тутати.

Ўқитишнинг хусусий вазифалари сифатида ҳаракат техникаси, продавий сифатлар, спорт техникаси ва волейбол тактикаси, шунингдек, инструкторлик кўникмаларини сингдириш қобилиятини санаб ўтиш жоиз. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун спортчи юқори жисмоний, техник, тактик, рухий, назарий ва ўйин тайёргарлик даражасига эга бўлиши талаб этилади.

Барча тайёргарлик турлари билан ўзаро ҳамбарчас боғлиқ ва улар бир-бирини тўлдирди. Волейболчида юқорида санаб ўтилган жиҳатлардан бири юзасидан етарли тайёргарликка эга бўлмаслик унинг умумий тайёргарлиги сифатида ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун. // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №23. Т.: Адолат, 2001. – Б.211-223.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги фармони.
3. 2019 йил 19-мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев илгари сурган 5 ташаббус ҳақидаги нутқи.
4. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. Илмий рисола. Ғ.И. Мухамедов, У.Н. Ходжамқулов. ЧДПИ 2019.
5. Айрапетянц Л.Р. Волейбол. Книга тренера-Т.1995 й.
6. Айрапетянц Л.Р. Волейбол. // Учебник для высших учебных заведений. Т.: Зар қалам. 2006. - 240 с.
7. «. Шукурллаев Ж.М. 7-14 ёшли мактаб ўқувчилари ичидан волейбол спорт турига танлаб олиш методикасини такомиллаштириш. ТДПУ магистрлик диссертацияси. 2020-йил.

55.	<i>Boltayev Sh.E. Abdumalikov O.X.</i> - Oliy o'quv yurtlarida jismoniy tarbiya va sport to'garaklarini tashkil qilishning dolzarb muommalari.	124
56.	<i>Urazbaev N.J. Torebayeva J.M.</i> - Yosh gandbolchilarni tanlab olish uslublari.	125
57.	<i>Jumaniyazov U.I., Kenesbayeva M.J.</i> - O'qituvchilarning kasbiy kompetentligini rivojlantirish.	127
58.	<i>Alimbetova A. T.</i> - 7-14 yoshli maktab o'quvchilari ichidan voleybol sport turiga tanlab olish usullarini takomillashtirish yuzasidan tajriba sinov ishlari va uning samaradorlik darajasi.	129
59.	<i>Nurekeev B.</i> - Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini to'g'ri tashkillashtirish va uning amaliy ahamiyati.	133
60.	<i>Ataxanov H.K.</i> - Jismoniy tarbiya darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilarining psixologik xususiyatlari.	135
61.	<i>Boltayev Sh.E., Jonuzoqov U.G'.</i> - Innovatsion klaster yondashuvi asosida bo'lajak jismoniy tarbiya o'qituvchilarining kasbiy faoliyatlarini takomillashtirish.	137
62.	<i>Жумаев А.Р., Мурадуллаев Д.</i> - Кластер таълимга асосан волейбол спорт турини ўқитиш акмеологиясининг методик асослари.	139
63.	<i>Жумаев А.Р., Қобилов А.И.</i> - Ўқувчилар жисмоний сифатларини ривожлантиришда акмеологик ёндашув.	142
64.	<i>Xudoyberganov J.S., Rahmatullayev J.</i> - Maktablarda kalaster metodidan foydalanish usullari.	143
65.	<i>Мулладжанов У.А.</i> - Yengil atletika to'garaklarida qisqa masofalarga yuguruvchilarni jismoniy rivojlanganligi, tayyorgarlik darajasi va texnik tayyorgarligini tuzilishi.	145
66.	<i>Yusupbayeva A.S., Muradova R.M.</i> - Darsdan tashqari xollarda jismoniy mashg'ulotlarini tashkil qilish usullari.	147
67.	<i>Abdullaev I.</i> - Futbolchilar tezkorligini oshirishning vosita va usullari.	151
68.	<i>Paluaniyazova N., Joldasbaeva M.</i> - Basketbolda iyiliwsheñlik sapasi hám onı rawajlandırıw metodikasınıń ózgeshelikleri.	153
69.	<i>Uteпов А.А.</i> - 14-15 yoshli karatechilarning boshlang'ich tayyorgarlik bosqichida maxsus texnik tayyorgarligini takomillashtirish.	156
70.	<i>Ориубаев А.К.</i> - Жамоавий кайыкларни шакллантиришда эшкакка берилдиган кучланишларнинг ахамияти.	160
71.	<i>Qaliev Q.S., Darmenbaeva A.P.</i> - Voleybol mashg'ulotlari pedagogik jarayon sifatida.	161
72.	<i>Tabimbayev B.A., Baltabaeva P.B.</i> - Voleybolshilardıń texnika-taktikalıq háreketleriniń model qásiyetleri.	163
73.	<i>Sarsenbaev D.J.</i> Bolalarni suzishga o'rgatish tamoyillari va suzishning afzalliklari	165
74.	<i>Baxauatdinova N.</i> - Badiiy gimnastikachilarning xoreografik muvozanat mashqlaridan foydalanish usullari.	167
75.	<i>Tanirbergenova D.</i> - Qisqa aralıqlarğa juwrıw texnikası hám onı analizlew.	170
76.	<i>Abatbaeva B.</i> - Badiiy gimnastika mashg'ulotlari bilan shug'ullanishning o'ziga xos xususiyatlari.	172
77.	<i>Парахатова А.Т.</i> - Классификация базовых технических действий в художественной гимнастике.	174
<b>III SEKCIYA. DENE TÁRBIYASÍ HÁM SPORT TARAWÍNDÁ ADAPTIV DENE TÁRBIYA, SALAMATLASTÍRÍWSHÍ FIZIKALÍQ SHÍNÍGÍWLARDÍ ÚYRETIWDÍN ILIMIY-METODIKALÍQ TIYKARLARI</b>		
78.	<i>Erimbetov Bayrambay Karlbaevich.</i> - Kurashchilarning ko'p yillik tayyorgarligida pedagogik nazorat qilishda imitatsiyali modellashtirish metodining qo'llanilishi.	179
79.	<i>Sobirova L.B., Usmonova F.T.</i> - Parataekvondo sportida koordinatsion qobiliyatlarni rivojlantirishning ilmiy asoslari.	182
80.	<i>Niyazov Asqarbay</i> - Jismoniy tarbiya sohasida talabalarning kasbiy sifatlarini rivojlantirishda akmeologik va innovatsion yondashuvning asosiy tamoyillari.	185
81.	<i>Yoldashov Sh.S.</i> - Ot sportida maxsus jismoniy tayyorgarlik asoslari.	187